

МУҲАММАД ИСМОИЛ


**ТАСАВВУР ЧИЗИҚЛАРИ**

*Шеърлар*

ШАРҚ НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ-1998

84(55)6-5 Бадний азабиёт—  
Шеърлар

10 31985  
092



© «Шарқ» нашриёт-матбаса концерни  
Бош таҳририяти, 1998.

\* \* \*

Бу орзумас, соғиниш холос,  
Бу орзиқиш, ниҳояси йўқ.  
Бу тўлиқиш, фидоликка хос,  
Бу висолдир, паймонаси йўқ.

Олов бўлмас бу маъюс истак,  
Тугамайди аммо фурбати.  
Бир савдоий хаёл сингари  
Йўқлик сари бу ишқ журъати.

Истамам гоҳ ундей сезони,  
Аммо бўшай олмайдир қўксим.  
Мен баҳт дея жабру жафони,  
Умидларнинг заҳрида ўсдим.

Бир умрда бир бор бўлса ҳам  
Софдир дилнинг бехос титраши.  
Дерман: — Қачон топади барҳам  
Ҳаётимнинг алаҳсираши?

\* \* \*

Бир сония ичра тўсатдан  
эвазига ўлимнинг агар  
жаннат ваъда бўлса, ўлмасдан  
юрмас эдим ғофил, дарбадар.  
Бир сония ичра бўлсайдим  
бир зарб билан етишсам бахтга,  
интилганим сонсиз лаҳзалар  
оркасида туюлган аҳдга.  
Аммо фактат келар дақиқа,  
аммо фактат келади хукм,  
ва юзага чикмас ҳақиқат  
ва мен эплай олмовчи хужум.  
Ва қўринмас бирор натижа  
ва аламга тўлгувчи умид  
ва фурсатни кутмок ҳамиша  
ва нусратга нолойик мұхит.  
Ва чидамнинг сўнгги лаҳзаси  
ва тўхтатиб бўлмайдиган касд  
ва ожизлик, хўрлик азаси  
ва қайтадан терс қайтувчи шаҳд.  
Олий бахтга интилсанг жондан,  
Хар сония йиллардай узун.  
Йиллар керак экан бир онда  
Сўнгсиз бахтга етишмок учун.

## **ЮРАК**

Үзга сайёрадан келган бу юрак,  
Үзга оламлардан келгандир бу жон.  
Бу маҳзун дунёда туғилмак, юрмак,  
Яшамак бир армон, туганмас армон.

Үзга оламларда бўлса ватанинг,  
Үзга оламларда бўлса мухаббат,  
Мана шу тупроқ деб, шу ҳаётни деб,  
Алдансанг бир умр, алдансанг факат.

Ўзингни қўймоққа жой тополмасанг,  
Кўкда бўлса ўзинг излаган ватан.  
Киshan бўлса замин, сен тонолмаган,  
Умринг, келар кунинг бўлса бир киshan.

Кўкка кетмоқликни истайсан, аммо  
Сен шахид эмассан, сенсан насли хор.  
Зеро, сен ўлдирсанг арзир бу дунё,  
Зеро, ўлдирмоқка у доим тайёр.

Чироқ ё шам билан топилур  
нарсамас офтоб.

М. БЕДИЛ

\* \* \*

Гүллик гүллигича қолди.  
Итдан тарқаган —  
— маъюслик —  
кўчки тагидан,  
олиб кетди морораларга.  
Сокинлик — сен талафотим.  
Нега ўтмас бу йўқсил вакт.  
Гуноҳларим ёдга қайтар,  
ортга қайтар ғазовотим —  
Сўзларингнинг тўхтов билмас  
синоати.  
Хусн тўлқинлари сўкининг!  
Осмонни ўймаган ҳисларим,  
Сизнинг учун хитой девори.  
Ишқ бирлигимас  
матоҳиман  
ўлчанаётган.  
Таъмирлашар  
Минглаб йиллик  
Софинч иморатимни.  
Сағирлашар сўзга тушган  
умид нақаротимни.  
Ночорлик ҳар куни  
бахш этар  
гезарган туркини.  
Мен энди,  
Мен энди Ҳаводамас  
Кумда сузарман.

\* \* \*

Имконимдан улкан истакнинг  
ёввойи гуллари  
ёяди атрин:  
«Үйларимни йўриғига  
бойлаган ёр —  
бахти бекор.  
Хур қизлар бор,  
Олиймақом  
таъмизи пок  
Ишқим этса тинмай давом,  
сўроқ қилинмаса  
сайёҳ хуморим.  
Ўзбошимча кучланишларга  
тўлиб кетса ихтиёrim.  
Ва юзада юрсам  
рўшнолик кўриб,  
хис хис эмас,  
у бир пайраха.  
Ешлик кўри  
йўлларни ёлласа  
муқим қолмай  
ишқий талваса...»

## ПУШАЙМОН

Танимнинг шарбати  
пайвандланиб сингади,  
симиради бир вужуд.  
Лек дилимда унутганим  
Гўзалликнинг руҳи ўртанаар,  
виждан яратаркан ҳуқуки  
ожиз томонига дўндим дунёнинг.  
Ўгай бахтни енгмоқ учун  
ҳар қандай туйғуга савдогар —  
— таянган топинганим  
нола бўлиб ёғилаверар.  
Кўксимда нафаси кисилган,  
гангиган онги вақтнинг —  
— гўзалликни енга олмас онг.  
Оромбахш хушсизлик унгурларига  
сиғмай юрак ярми:  
— Ҳайф, — дейди ўзининг  
эркалигини.

\* \* \*

Күнглимдаги гуноҳлар —  
— мен йиқилгувчи чоҳлар.  
Билинтирмай тураг яшаб,  
аммо чоҳга юраг бошлаб.  
У не жазо билиб бўлмас,  
дил қийналар, у ўлмас.  
Куйсанг қанча гар ўртаниб,  
келаверар ғам тўпланиб.  
Олдин олай дедим, бироқ  
чоҳ тобора бўлди кўпроқ.  
Не ғамга дуч этса ҳаёт,  
ўзимдандир бари нахот?  
Ҳамма қилган ҳамма гуноҳ,  
мен учун ҳам бўлгайми чоҳ?  
Минг гуноҳ тортса каърига,  
етарми жоним барига?

## СҮНГИ ЎКИНЧЛАР

Ўжар ва бебош ҳис ачитқи каби  
Идрокни қоплади. Ишқ азоблари,  
Дарди энди менда қадр топмайди,  
Софлана олмайди энди матлабим.  
Нейтрондай ўқида айланса икрор,  
сўнмас эди, сўнмас  
ишқ васвасаси.

Барибир энди мен, барибир бекор,  
Тушунмоқ истайман  
меҳр не асли?

Энди истасам ҳам, истамасам ҳам  
Келгандай ўткинчи ҳислар иклими,  
Мезондаги нурдай омонат алам  
тўплай олмас дилнинг  
эзгу халқини.

\* \* \*

Ҳовлиқма, бу  
хуш туйғуларни  
Яратган эгамга айтарсан факат.  
Бу — жинслар ўзанин тумори.  
Бу — хасмий, жисмоний иборат.  
Аёл — олийлигинг рақкосасидир.  
Завқ, қайғунгнинг насли халқобни,  
жавҳарига қўймоқ фарз, дастур  
дилда сақла аммо савобин:  
— Аёлликнинг ул таровати,  
руҳий қисми умумборлиқнинг.  
Англагайсан табиатдаги  
Яратувчан баҳтиёрликни.

\* \* \*

Қартайған онаси ва етим, оч боласини  
боқиши йўлин тополмай ўзгача чорасини,  
қаноат қондирмаган, бева қолган ул аёл  
биргина либос билан ардоқланувчи, ҳалол  
вужудини энди-да кимларгадир кўрсатиб,  
кийинар, эвазига кўрк очиб, кўз ўйнатиб.  
Бироқ уй тўридаги қолган-кутган қадрни,  
гўё аёл кўйлагидан йиртиб бир парчасини,  
фахш ҳар кун учиради, қадр учар ҳар куни,  
аёл эса, кўча кезар, бўяганча афтини,  
барча қарап: қават-қават кийинса ҳам ул аёл,  
яланғочдай ҳаммаёғи кўринади бемалол.

## **БУГУН НЕКИ...**

Умримни бағишлий деб  
чоғлангандим неча бор.  
Сен изн берганингда  
бўлармидим бахтиёр?  
Бугун неки омадим  
юришмаса сезгайман,  
кулфат сари адашиб  
умрим борар энкайган.  
Сен томонга қайтмоққа  
журъатим ҳам йўқ бўлган.  
Журъатимни вақт деган  
каلامушлар еб қўйган.  
Ўз умрингни авайлаб  
севганингга бермасанг,  
минг йил яшасанг, минг йил  
каلامушлар ер экан.  
Кошки бор-будни бериб  
тўлай олсайдик товон.  
Севги алданмас экан,  
Умр сўрар ёки жон.  
Букун неки омадим  
юришмаса сезгайман,  
Кулфат сари адашиб  
умрим борар энкайган...

## **ҚУСР ХОНАНДАСИ**

Жарохат асорати  
мудхиш тамғасин солган,  
пуштсизлик касофати  
бахра олади қондан.

Туни билан тўлғонар  
ожизликнинг бандаси,  
ундан олдин уйғонар  
қусрининг хонандаси.

## **РУБОЙИ**

Бу ҳаётда мен ўзгаман, ўзга ҳаёт қўшиғи,  
На да ҳозир, на эртага кўринади у уйғун.  
Менинг умрим қолиб кетган Расулуллоҳ даврида,  
Рухим билан ўзим айри яшаб юрибман бугун.

## **ЮРАККА ЭЪТИРОЗИМ**

Курбинг курғур ўлармон,  
ҳар түйғуси серуйқу.  
Қўзғар на ишқ, на армон,  
на кулгу-ю, на қайғу.

Сўнгсиз иштиёқ учун  
шиддат қайда, қайдасан?  
Ҳаёт очса қулочин,  
сен совуққон қарайсан...

Сен само меҳварида  
зеро, мангур ўлмайсан.  
Икки дунё бағрида  
сенинг билан йўқдайман.

## ҚАҲВАХОНАДА

Айлангандир ёруғ тутун тусига.  
Ажнабий мусиқа,  
миллати, тили  
бегона бизларни эллаб ўзига,  
кўтарар дилни.  
Тўрнусха, оқ-қора ёпинчиқдаги  
бўлиқ оёқларин бир қиз кўз-кўзлар.  
Ажнабий мусиқа дилга ёқади,  
тилга  
мен билмаган нотаниш сўзлар.  
Илонтус оёқлар қаттиқ чирмайди,  
мен туйғуга маҳбус, нотавон кимса,  
ишқ туйдим,  
ишқ-ки ераки  
ердаги бор жонзот мойил қалбимга.  
Кизнинг кўзларида кўраман ўзни:  
аксим ёлворувчан, фидойи, нолон.  
Ким мени меҳрга бунча зор этди,  
ташлаб кетди,  
У қизни кучаман юмиб кўзимни,  
кўзи туғма юмук, эҳтирос каби,  
бир умрлик азобдан юлиб ўзимни  
— бир лаҳзалик меҳр бор-йўқ матлабим.  
Сўнг кетарман. Билмам қаёқка,  
кўйиб юборса ул илон оёқлар.

\* \* \*

Жисмингдаги илохий  
онгсизликни буғлатиб  
қовжиратар идрокинг  
устихонингга ботиб.  
Суягингда хиргойи  
манманинсимон товуш,  
юздан битта шиори  
ҳаволанарди сархуш:  
«Кар килгувчи сукунат  
фужанаги — эрк,  
эрк — қўлами мурувват,  
тонар йўлинг берк.  
Сувда каби эхтирос  
тонса — ихтиёр,  
чекланади имтиёз,  
чарчайди мейр.  
Эсхонанг сохибаси  
эрк эрса йўлбош  
ўйсизлик лойиҳаси  
эсиргар қийғос».  
Қолипсиз қалб дийдиёси  
гувларди шундай ғолиб.  
Таннинг сирли хумоси  
четлатилган васият каби —  
бошга кўчгач  
не-не аёллар,  
кўршапалак сезгиси — ҳиснинг,  
унда сўнган,  
у энди сунъий  
одамлигин айтгунга қадар:  
«Вужудингиз тенглашолмайди,  
бағри баҳор борлиғим билан.  
Онгни қувиб юрганда, дайди  
қурбни йўқотдингиз, болалайдиган».

\* \* \*

Шунчаки бир кизиқиб, қувонсин деб кўзларим  
Фақатгина хуснингга бўлган эдим ошуфта.  
Бу телба вужудимнинг савдойи жунбушлари  
Сенинг хузуринг томон бошлайверди оҳиста.

Имкони йўқ дегандим, майин қўлларингдан ҳам,  
Тотли лабларингдан ҳам минг бор бўса олдим мен.  
Наҳот севги шу бўлса, сени севмоғим мубҳам,  
Кўнгилхушлик бу деган аросатда колдим мен.

Энг азиз сенсан дедим, кўксингга бошим қўйиб,  
Оқиб ўтди жон-тандан ўтли юрак меҳвари.  
Аммо сева олмадим мен сени шунча сўйиб,  
Сенга оқиб ўтмади кўнгилнинг меҳрлари.

Севгимга ишонди деб, ўз-ўзимдан бўлиб шод  
Ўйлар эдим: — фидойи, бир ошиққа йўйдинг сен!  
— Сиз кўнгил бермасангиз, биз ҳам кўнгил  
бермасмиз  
— дея, маҳкамроқ қучиб, кулиб қараб қўйдинг сен.

Шунчаки бир кизиқиб, қувонсин деб кўзларим...

\* \* \*

Аёзли кун айланди,  
Булутли кун буралди,  
Кўринарли, тушунарсиз  
Кўникмалар яралди.  
Арча барги шапалок,  
Баргда лахтак қор.  
Таназзулда яшамоқ,  
Яхтак-яхтак ор.  
Хў, совукда музлаб қолган  
Нур, шовқин-у, соялар  
Тушиб маҳкум аҳволга,  
Сархушликни соғинар.  
Хей,  
хаво илгагига  
юрагимни осаман.  
Олиб кетсин керагича  
кимки ўтса кўчадан.  
Мусиқавий хаёл, ёху,  
бахт куйини таратди.  
Самовий ишқ сароб, оғу,  
Нега уни яратдик?  
Шундай бўлди. Токи севсам  
Сизга қайтар йўлларим берк.  
Севмасликка қўймас аммо  
Рұждаги куч, дилдаги эрк.

\* \* \*

Ишқ — истама, ўксинма, кўник  
боролмасам ёнингга.  
Дарёда окқан кўпик  
ўхшар ишқ имонига.  
Офтобга тобе олам  
тусланади кунма-кун.  
Ҳаёт ишқни дамо-дам,  
ўзгартар нима учун?  
Хўрсиник овози-ла  
Сени йўқлагум Зиё...  
Бир нафаслик бўлса ҳам  
дилимдаги дийдиё.  
Сендан вафо кутмадим,  
на ишқ сўрадим, фактат,  
сенга талпиндим ўлим  
кувган каби бешафқат.  
Сен кетарсан, мен яна  
ўзгага бўлгум шайдо.  
Бир нафаслик бўлса ҳам  
дилимдаги дийдиё.  
Иситма иситса ўксинма...

\* \* \*

Сенга күнглимин тикиб  
Сазоларга түйгөнман.  
Мен бугун сен чалмаган  
Наволарга ўйнайман.  
Садолардан сархуш, шод  
Ўзин ўнглар хаста дил.  
Куй сехридан ўзга зот  
Яралади мустакил.  
Куй — күнгил афсунгари  
жоду айлар, яйрар жон.  
Баланд янграган сари  
дил ҳаприқар беармон.  
Қуёш аравасида  
Оханг бўлганда фойиб,  
Юрак йиғлар: — Мени бунда  
ташлаб қўйма, кет олиб...

\* \* \*

Илхом ҳам илохий бир неъмат эмиш,  
Тун бўйи кон бўлиб ушар юрак.  
Дилга мос на сўз, на хиргойи келмиш,  
Жоним каби мўъжизавий шеър керак.

Руҳми у, у туйғу, у келса, енгса,  
Лойик этса элга, шеърга сўзимни.  
Рух келмас, сел этмас, азобдан эса  
Ўлдира олмайман ўзим-ўзимни.

### СОФИНЧ

Дилимни билмасдим, дилмасдим.  
У сенга ўхшаркан — аксинг у.  
Шахсинг у, у сенсан — дилхасмим,  
Расминг у, дил айшим — аслинг у.

\* \* \*

Юлдузлар ёнганда мисоли гулхан  
Пайғамбар кўксига тўлганди исён:  
— Шундай юлдузларни яратиб қўйган  
Оллоҳга не учун ишонмас инсон!

Бугун хам самода юлдузлар ёнар,  
Кўнгил тунларининг юлдузлари йўқ.  
Улар — ўқ. Ўқинчдан йилт-йилт тўлғонар,  
улар ўқинтириб ўлдиргали ўқ.

Хамонки самода юлдузлар ёнар,  
Дилнинг минг таъзимли нуфузлари йўқ.  
Самода кўк ёнар, офтоб тўлғонар,  
Оlam ёруғ, иймон кундузлари йўқ.

Фоғилга берилган ҳар лаҳза, ҳар он  
сомон йўлларидаи узун мухлатдир.  
Юлдузлар эгасин билмаган инсон —  
Бу юруғ дунёда юрган зулматдир.

\* \* \*

Вақт домида емирилиб, эшитилмас фарёдим,  
Биз маънисин билганча тушлар учиб кетади.  
Дунё баҳорларида кўкармоқда хаётим,  
Охиратни ўйласам, хушлар учиб кетади.

### ҲАДИСДАН

Сен одамни яхши кўргил,  
муҳаббатга арзир ул.  
У ҳам сенга қўйгай кўнгил  
мулкига бўлмасанг қул.

Бу дунёга бўлма асир,  
харислик — чоҳ.  
Оллоҳни сев, сени ахир  
севар Оллоҳ.

## **РИВОЯТДАН**

Жохиллик ибтидоси бир уйда эрур,  
Ким фано ишқибози, шул уйга келур.  
Оллоҳ йиғмиш яхши ишнинг ҳаммасини,  
Тарки қуфр этган киши топгай уни.

## **АЙИРИБ ҚЎЙСАЛАР...**

Оқни қародан-да ажратиб бўлмас,  
Ажратиб бўлмайди чинни риёдан.  
Ва инсон ўлса хам хаётга тўймас  
Айриб қўйсалар динни дунёдан.

## **ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА**

Замон сенга боқмаса, сен замонга боқкайсан,  
Умидлардан айрилиб бир хас каби окқайсан.  
Ўз курбингни кишанлаб, кетаркансан азобда,  
Хар яхшига ёмон-у, хар ёмонга ёқкайсан.

## **ШУКУРКИ...**

Ватан, Ватан нима? Нахотки менга  
Ўзбекистон деган юртнинг оғуши.  
Доим юртки менга, гар қайси элда  
Баланд янграб турса аzon товуши.

Она, Она-юртим, онамга каби  
Сенинг измингдаман, хизматингдаман.  
Сенинг ҳукминг бўлса фосик матлаби  
Исёндаман, қарши қисматингдаман.

Оллоҳнинг мулкидир бутун ер шари  
Бандаман деганнинг Ватани — замин.  
Унда жорий бўлса Куръон шартлари,  
Унда событ бўлса халифаи дин.

Туғилган юртимда аммо разолат  
ғолиб бўлса ҳукми менга ўгайдир.  
Тупроқ учун эмас, сарҳад учун эмас  
Дин учун курашмок бурчим бўлгайдир.

Мўминликдан бошка миллатим ҳам йўқ,  
Исломдан ўзгача йўқ хислатим ҳам.  
Ислом деб қайда жон берса бир ғозий  
У менинг акамдир, у менинг опам.

Ислом учун севмоқ иймондан, агар  
Исломий зиёда бўлса ул Ватан.  
Заминда қолмади бирорта шаҳар  
Тавҳид айтилмаган, такбир янграмаган.

Шукурки, яратган Парвардигорнинг  
аввалдан айтган ҳақ ваъдаси бордир.  
Зафар — фидоликдан умиди борнинг  
Ва ҳамда Оллоҳнинг аҳлига ёрдир.

## АМИР ТЕМУР ИСЁНИ

Кимки Оллоҳ йўлида  
жиход қилса ғозийдир.  
Куръон ушлаб қўлида  
рахмону раҳим учун  
カリйм-у, ҳаким учун  
алийм-у, азийм учун  
раззок-у, фаттоҳ учун  
ҳакам учун, ҳақ учун  
латийф-у, рауф учун  
жалийл-у, афувв учун  
ғафур учун, нур учун  
зоҳийр-у, қодир учун  
сабир-у, кабир учун  
рашийд-у, мажид учун  
шахийд-у, ҳамийд учун  
важийд-у, вахийд учун  
ҳофиз учун кўнглида  
исён-у, иймон бўлса,  
Оллоҳ бор — у ғолибдур!  
Оллоҳ ёр — у ғолибдур!  
У туғилган ватанда  
хукм сурса гар кофир,  
ўралгайдир кафанга.  
Маҳкум шунга ҳар кофир!  
Енгар куч йўқ Оллоҳни  
Якка Олампаноҳни!  
Ким ҳакка қурбон бўлса  
Ўлим асло топмас у.  
Тупрок аро ётмас у.  
Ғазотдан нажот топгай  
Туганмас ҳаёт топгай!

## **ХАДИСДАН**

Оллоҳ омонати муслима яйраб  
Етти кун фидоси бўлса эрининг,  
Дўзах сари етти йўлни берк айлаб,  
Очгайдир жаннатнинг саккиз эшигин.

\* \* \*

Тангрининг ҳар ҳукми ҳикмат эканки,  
Лаънатлагай кимки тузса заволни:  
Аёллар кийимин кийган эркакни,  
Эркаклар кийимин кийган аёлни.

\* \* \*

Ноахил кишилар миллат қисматин  
Қўлига олса ул миллат йиринглар.  
Кутқаринг миллатни, йўқса кийрашин,  
Қиёмат соатин кутиб туринглар.

\* \* \*

Золим алдаб юрса, золим яйраб юрса,  
Халқлар қараб турса, халқлар қараб турса,  
Халқлар кўрмаса гар унинг чорасин,  
Оллоҳ азоблагай улар барчасин.

## ОРЗУ

Ҳар қандай орзуга ижобат бордир,  
Қодирдир, барҳақдир тангри таоло.  
Менинг исташларим балки бекордир,  
Саҳоба бўлсайдим дейман доимо.

Пайғамбар даврида туғилган бўлсам,  
улуғ суронларга умримни бериб,  
бутун борлиғим-ла шиддатга тўлсам  
шуурим, кувватим, курбимни бериб.

Ўз азиз жонимни қадри ўртагай,  
жоним факат ўша йилларга лойик.  
Балки келажакдан умид раводир,  
Аммо қайтгим келар ўтмиш томонга.

Инсонларнинг шахсий фикрати аро  
Ҳақни танигунча шом бўлди умрим,  
Мен иймон хукмини истадим, аммо  
Бирни жоҳил, бирни ғафлатда кўрдим.

Китобларда колган улуғ даъватни  
Ҳаётда кўролмай ўтарман ғариб,  
Тангirim, бизга раҳму-шафқатни  
Рўзи маҳшар куни этсайдинг насиб.

\* \* \*

Икки йўл айрилган жойда биз қолдик,  
Юрган юриб кетди, лойда биз қолдик.  
Умримиз бир мазмун топай деганда,  
Faфлат сари учган ёйда биз қолдик.

\* \* \*

Иложсизман дея яшайди тушкун,  
Ўзга чорам йўқ деб, юпанаар холос.  
Билади бу юпанч, тобутдир бугун,  
Ўлгач, азоб учун бўлади асос.

\* \* \*

Айбим кўп, азоби ҳоритар гоҳо,  
Қурб етмай гоҳ ўзни айблай олмасман.  
Айбда қайта-қайта яшайман ҳатто,  
Терскай тушларимни хайдай олмасдан.  
Ана ўраб тураг мени халойик,  
Ғазаб кўзларида, тош қўлларида.  
Кимдир ўкирар: У қатлга лойик,  
Айб ўзида кетар у ўлганида.  
Лекин бир сас келар ҳукми ҳоликдан:  
— Ким тангри қошида пок ва бегуноҳ  
Аввал у тош отсин, отса розиман,  
Унинг борлигидан бўлайин огоҳ.  
Қуёш нур сочарди, қўк эди сўнгсиз,  
Ҳаётбахш ҳаволар тараалар эди.  
Мен қанча кутмайин муте, ўқинчсиз  
Оломон тош отмай тарқалар эди.  
Сўнгра ёлғиз қолдим жазогоҳ аро  
Отилмаган тошлар қолди уйилиб.  
... Ўзимни айблашдан чарчасам гоҳо  
Шу бўшлиқ жазоси келар куйилиб.  
Ожиз бўлиб элнинг ожизлигидан  
Тангрини излайман тўкиб кўз ёшлар.  
Қанчалик ёлборсам ҳақ илинжида  
Бошимга шунча кўп ёғилар тошлар.

\* \* \*

Димиққан садолар сиртидаги чанг,  
мужмал севгиларга күнәр талабчан.  
Кінсиз дил суроби симобдай пастига-  
оғади  
ўзига тенгқур салафдан.

Аlam —  
сезгиларим сезмас, ёзга,  
күзгуларим қамашгувчи минтақалар,  
ўзлигимдан оздиргувчи имтиёзга,  
ихтисосга бошлаб кетар.

Бошлаб кетар  
Севги сайёрасин фаслларига,  
мен иқлім эмасман.

Соврилмам  
уларнинг битимин наслларига,  
ёт жинс, мени севмаслардан келган илхом.  
Илоҳ деган умум ўлка бор.

Юрак кетарди,  
Аммо ҳис, бутунлик миннати йўқ.  
Бор, вужудийлик улкан муддати,  
мавхумликнинг ажралмас юрти.

## ҲОМИЛАЛИ АЁЛ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Қалб эди, қалб эди жисмли энди,  
Жисмидан ажралиб келди зурёди.  
Она ўзин билар тилсимли энди  
(Ўзини билмаган билмас худони).  
Ҳали жисмидадир пайванди унинг,  
Унинг жигарига бош қўйиб ухлар.  
Бироз чўзилганда вакти уйқунинг  
Ички товушга айланар рухлар:  
«Қўзғолиб ол, болам, туракол, болам,  
Қаттиқдур жигарим, бошингга ботди.  
Бу ёнга ёнбошлаб, ухла, бол болам,  
Қисматдан жигарим тош каби қотди».  
Бола уйғонади, қўзғолиб эмин,  
Она буйрагига қўяр бошини.  
Соатлар ўтаркан ташвишда лекин  
Она тиёлмади кўзин ёшини:  
«Замон келди, енгди, мени хўрлади  
Буйрагимнинг бигиз каби тузи бор.  
Унда кетмиш пешонамнинг шўрлари  
Тур, болам, бошингга у бергай озор».  
Бола бошин олар юракка яқин  
Онанинг юраги — тўзғиган башар.  
Бола тиланади оромин, шавқин,  
Она эса ором тополмай яшар.

## ФАЙЗУЛЛОХ ХҮЖАЕВ ХОТИРАСИ

У қасд эди, қайтмасди.  
Давр ўзи ўзга келди,  
давр ўзи қасдлашди.  
Ёв бағрига олган элни  
хамон менинг элим деб,  
ёв бағрига босган ерни,  
хамон менинг ерим деб,  
ёв қаҳрига қолган эркни,  
хамон менинг эрким деб,  
у алданди, айбланди.  
У дод эди, у ғанимга:  
«Айбламагин, от», — деди.  
Аммо ғаним битта ўқни  
йўқ килмади, аяди.  
У алданди, камалди.  
Чоҳда қолди аҳдлари,  
бизга айта олмади.  
Айтолмади, канча одам чоҳга қулаб, алданди.  
Чоҳда колиб йўл топмади, сўнгра ўлим ахтарди.  
Сўнгра чоҳда туғилди ўзин унуган авлод,  
Билмас, билмас недир ўлим, хамда нимадир хаёт.  
Бу кун вактнинг ўзи топди рақобатни, нажотни,  
Бу оламни тирилтгувчи ғазоватни — хаётни  
Бир ўч берди, бир куч берди, қадр берди қайтадан,  
Куръон берди, ажр берди, қаҳр берди қайралган.  
Хар бир ўғлинг хуни учун, касос унсин сабрингдан,  
Колма мазлум, қолма маҳкум, халқим, қўрқкин  
тангрингдан.

\* \* \*

Рухим не истайсан, нени тилайсан?  
Сўз айтиб, сўзингни сўзлайолмайсан,  
Дард чекиб ўзингни ўнглайолмайсан.  
Шодланиб, шодликдан йўқ бўлолмайсан.  
Рухим, мен-да сенинг эпсиз ўғлингман,  
Мен ночор ўғлингман, ўлдиролмайсан.  
Сен мени ўзингдай бўлдиролмайсан.  
Дунё ғуборингни ололмас санинг,  
Бако диёрими ёки масканинг,  
Бако даргоҳида бўлса гар ором,  
Ким ерда олмоқда биздан интиқом?  
Агар синов учун бўлса фароғат,  
Бир кун бу роҳатдан тортсам надомат,  
Бир кун бу зулматли дунё роҳида,  
Ҳар қадамим кирса гар гуноҳимга,  
Жарга қулаётган бўлсам агар мен,  
Умр бўйи қулаётган бўлсам агар мен  
Ва унга маломат қилсам ҳар доим,  
Нечун яратгандир мени худойим?  
Бу ажиб дунёни севсам-у нечун,  
Яна бир кун яшашимни билмасам бугун?  
Жоним туман каби кетса тарқалиб,  
Бу дунё сезгимдан кетса ажралиб,  
Рухим, сени излай олмасам ҳатто,  
Йўқлик ичра бўзлай олмасам ҳатто?  
Қийнайдими ёки ўтар эканим,  
Ўзим билмай келиб кетар эканим.  
Рухим, сен тангридан келган омонат,  
Нечун сенга қилдим бунча надомат?!

Мен кимман меҳрга тиландим бунча,  
Кўркувдан жоҳилмен, қийналдим бунча.  
Рухим, айтгил, сени этдимми хароб  
Мен ким, кўкка не деб бергайман жавоб?  
Рухим, не истайсан, нени тилайсан?  
Сўз айтиб ўзингни сўзлайолмайсан?

## **ЗЕРИКИШ**

Даҳолардай зерикдим, толғир.  
Тириклиқ, тұхта!  
Лахза — қуп-қуруқ золдир,  
ғичирлайди,  
ғичирлайди,  
қимирлайди тахта кунларим —  
— кукунларим.

Бош эгмай яшадим, беасос.  
Кім учун асрадим фурурни?!  
Юзаки юрурим, сұяmas —  
Бүшликдир сийратнинг ўрни.

Тұдага ошиққан қўй қаби,  
үнгу-сұл хатарга парвосиз,  
ўзига тортади матлабим —  
— ночор хислатларим дунёси.

Нигоҳдай яшайин қоришиб,  
сафар оҳангларга қулокдай,  
улоқиб,  
ҳис бўлиб, кўришиб,  
Ҳаётга кўмилгим келмоқда.  
Қолиплаш юракнинг юмуши,  
Андозасиз кечсин турмушим.  
Намуналар кўрсатаверма,  
Ақл, бўлма ҳар кун тушларим.  
Совқотдим.

\* \* \*

Сен — қалбаки бахт.  
Кетдинг.  
Увада жойнамоздай  
Мұхаббатнинг қадри тугади.  
Замбуруғ умидлар — ожиз бахтиёрлигим.  
Севги сени —  
айри-айри яшамоққа ундади.

Ахтарарсан боғламасдан айилларин,  
асли бўм-бўш ва мувакқат  
раъйнгнинг майилларин.

Сарфлаб бўлсанг қолган-қутган  
соғлигингни,  
баллон сиқиқлиги каби  
дардга тўлади қалбинг.

Яна шодлик — тутқич бермас учар гилам —  
— олмагай тан.  
Қолган умриңг авайлайсан.  
Оқман, дея шайланасан  
Олий ирқли хаёлий ишкка.

Собит яшаш, бўйин эгмок-чун  
Сен ўзингни алдашинг керак.  
Алдовни хушламоқ, кўникмоқ учун  
Кундадошинг, кундошинг юрак.

## ЎЛИМ

Тун туманли. У маст қайтарди,  
Үз-үзича сўзлаб шодликдан.  
Кўк гирдобдай, ер айланарди,  
у йиқилди корга юз-тубан.

Сўнгра ночор харакатлари  
зори бўлиб, корда из қолди.  
Жони совук муз ҳаводаги  
нафас каби тарқаб йўколди.

Синчи\* қўзғаб дўстлар келмади.  
Турғизарди — қопмади ит ҳам.  
Хаётдан кўнгли тўқ, маст эди,  
оқламади ишончни олам.

---

\* Синч — рухан сезиб маъносида.

\* \* \*

Нега олдингизга келдим, билмасман,  
Билмасам, кўнглимда селим келмасам.  
Ўйлайман, ушалмас ишқни йўллаган  
Тақдир азобига йўлиқдикмикан.

Кўзингизга қараб сўзлайолмасман,  
Ўзлигимдан озиб, бўзлайолмасман.  
Ишқингиз, ўзингиз меники бу кун  
Лекин шаън умрингиз ўзгага экан.

Хонада ёнади иккита юрак,  
Ёнғин деб ёмонлар келса ҳам керак.  
Ёнғиннинг ёлқини шунча ёруғу,  
Барибир кўринмас бизнинг келажак.

Қайтарман.  
Ул уйга узоқ қарайман.  
Йўқ, кул уюлмаган, унда бошланган  
Умидлар барқ уриб гуллаётгани,  
Боя бизлар тўккан кўз ёшларидан.

\* \* \*

Үтиб бораётир умрим,  
Топганим — азоб бўлди.  
Менинг эса яшагим келар —  
Тотганим азоб бўлди.  
Куни битганларни кўрдим —  
Тонганим азоб бўлди,  
Куним битмай бошлагим келар:  
Сени, орзумдаги ҳаёт!  
Нажот бўлсин сўнгги йўлим!  
Нажот бўлсин менга ғазот,  
Келсин орзумдаги ҳаёт.  
Агар ўлсам, агар ўлсам,  
Шахид бўлсан, ғозий бўлсан, —  
Икки дунём бўлсин обод,  
Топай энг гўзал ўлим,  
Нажот сендан — кетар йўлим!

\* \* \*

Умрим тугаётир уфқига ботиб,  
Ортиқ мухлат берма бўлиб овора.  
Оллоҳ, омонатинг — қалбим йўқотиб,  
Ҳаётни севмоққа қолмади чора.

\* \* \*

Сен қўркувчи тангри бор экан,  
Сен ҳисоб бергувчи доим ёр экан,  
Бўлди бас, измингни ўзгата берма,  
Ким ширкка йўлиқса, гуноҳкор экан.

### ИШОНЧ

Куёшдан Ой зиё олгани каби,  
Куёшсиз қоп-қора қолгани каби,  
Одам ҳам Оллоҳдан олмаса зиё,  
Онги норасо ва шол каби қалби.

\* \* \*

У пешинни Маккада ўқиб,  
Ҳар куни асрда Тошкентда бўлди.  
Йигирманчи аср туғилиб,  
Саккизинчи асрда ўлди.

\* \* \*

Жойнамозга тиз чўкиб  
аёл ибодат қилас.  
Оллоҳга сано ўқиб  
Шояд мағфират тилас.  
Юзидағи сокинлик  
асл ҳусн ҳам нурдир.  
Балки бу чоғ, у уйдамас,  
бунда эмас — у хурдир.  
Балки мени у унутган  
ва ўртамас севгим ҳам —  
— Жисму-жонинг бахш эт, — деган  
худбин, фидойи нолам.  
Балки ёлғон туюладир  
сўзларимнинг барчаси.  
Балки билар даҳрий ишқи  
ишқмас, ишқнинг шарпаси.  
Ёки чиндан севдимми, ё  
хамжон бўлди топганим.  
Бир одамнинг ишқи аммо,  
камлик қилди — конмадим.  
Майли, жоним, ибодат қил,  
қонинг бўлиб дарёлар.  
Одам ишқин фақатгина  
тангри кўтара олар.  
Яратганга сано бўлсин,  
сен олгувчи ҳар нафас.  
Истагим шул, Оллоҳни сев,  
Шунинг ўзи менга бас.

## **ТУШКУНЛИК**

Куним, бизга бошка кун йўқ, сўнгиси сен.  
Тасодифнинг шамоли ҳам ташлаб кетди.  
Журъатим ҳам эпламадим деб шунчасин  
Ортиқ умид беролмай кўз ёшлаб кетди.  
Вужудимни минг буклади чангак — қалбим,  
Колдим ҳаёт ўрамидан ташқарида.

Урилмай деб... бошни йўқ, йўқ, асрамадим,  
Ер сиртининг бошқарувсиз тошларига.  
Тошлар эса зув-зув учар ёнбошимдан,  
Бу ҳаётда наҳотки мен ортиқчаман.

\* \* \*

Үқлар шамоли  
лозим эди  
байроқларни  
хилпиратмоғи.

Мүминнинг елкаси сиғмаётган пистирма —  
— зуғум ҳалқаси — таҳқир ҳалқоби.

— Солдат, сени тавсия этдик орденга,  
Қани, тарбия беришганидек, олдинга.

Мүминда бир фахр, бир қаҳр уйғонди жавобан,  
Кўз-кўз қилди ялтиллаган пуч имонни,  
Жунбуш билан олдга қалқди, янчмок бўлди  
ватанини қўриқлаган афғонни.

У ҳали ўн қадам ҳам эмакламаганди,  
чумакламаганди ҳали бор взвод,  
ўқ урди қоқ чеккасидан,  
ўқ урди,  
совурди бор шиддатини чиппагидан.  
Командир аскарнинг уйига хат ёзди алқаб,  
Ғамғусорлик қилди бурчин ҳалоллаб,  
факат, нишон ҳақда ёзилмади гап,  
командир қўйганди нишонни ўзгага кўзлаб.

## ҚҰЛСИЗ АСКАРНИНГ КЕЙИНГИ ХАЁТИДАН ЛАВҲА

У масть эди, изиринда  
Йикилди тор йүлакка.  
Чүқморли тош қирраси,  
Урилди нақ юракка.

Тунда уни кимлардир  
үйига келтиради.  
У туш күрар, келтирған  
ўзин собиқ құллари.

Чопилған, дарвиш құллар  
сүз бошлади оғриниб:  
«Сен инсонсан, аташар  
еру-кўкнинг онги деб.

Сенга қиласадик таъзим,  
яшардик сўраб шавқат,  
Нуроний юзларингда  
борлигига мухаббат.

Аммо биз шахид кетдик,  
Факат руҳимиз омон.  
Ўликни каби сени,  
судрага бу кун оломон.

Жангларда қурбон бўлган  
Гумроҳлар хуни туриб,  
Паймол бўлган ватанинг,  
Элнинг қарғиши уриб,

Яна кўча-кўйларда  
Колиб кетсанг хору-зор,  
Кўтаролмаса гар  
кўксингдаги мажрух ор,

Ўша қарғиш руҳини  
Узингга қилгин имон,  
Шўрлик аҳволинг учун,  
Қилгай улуғ кўзмолон».

Кўл сўзини тугатди.  
Аскар эса ҳали  
ухлаб ётар эди.

## **ХИРГОЙИ**

Бирпас рухни уйғотиб  
дилда қолмай даъвоси  
товушлар тинаяпти,  
сұнайапти садоси.

Эркин нигоҳ ташлар қиз  
күча-күйда, ўтарда,  
энг ожиз, энг баҳосиз  
изхорни унutarман.

Куни бўйи кўрганим  
тасвиirlарнинг хотирин  
бандиси бўлсам ҳамким  
унутилар охири.

Танбал лошдан ҳайдалиб,  
таъмасиз туман бўлсам,  
ё учқунга айланиб  
лаҳзалик қўрдай сўнсан.

Сокин елнинг эпкини  
қўзғар масъум истакни  
севдим ёввойи эркни  
ва қайғусиз қисматни.

Дунё хаёлларининг  
заррасин қолдирмайин  
дарди йўқ эпкин бўлсам,  
элни севсам нурдайин.

## **НАЖОТКОР**

Дунё бекаму-кўст ва эди мангу,  
Одамлар хаётга, бахтга тўйиши.  
Муштипар онадай ардоқларди у,  
Аммо дунёни ҳам севмай қўйиши.

Нимадир йўқолди, нимадир кетди,  
Чорасиз куйиши, сирга йўйиши.  
Улар гарчанд комил, хур эди энди,  
Энди бир-бирин ҳам севмай қўйиши.

Кимдир эга бўлди, кимдир бош бўлди,  
Дунёни гоҳо teng, нотенг бўлиши.  
Юракка керакдан ортиғи тўлди,  
Сўнг ўз-ўзларин ҳам севмай қўйиши.

Замин эса бақо даргоҳи аро  
Зарралигин билмай, юзар бахтиёр.  
Оллоҳ марҳамати буюkdir, зеро  
Унинг меҳригина ёлғиз халоскор.

## **ИЛИНЖ ХИССАСИГА ГИНА**

Биламан  
күнглимини етаклаган  
ичимдаги қаттиқ хисса  
мудхиш изтиробдан қайралса  
уқаланиб арзга айланса  
қақшаса қалбады ғарғара  
сени йўқлардим  
йиғлардим ишониб  
айрилганимга.

## **ИККИ ЮЗ**

Аслида замонга эдик-ку фарзанд  
Қора кунларида ўзни ок тутдик.  
Ишимиз бўлмади у билан, қасдан  
У ўзга, биз ўзга байрок тутдик.

\* \* \*

Жилмайганинг нисбий иноят,  
Тонсанг ёлғон, тонмасанг шафқат.  
Сенинг хуснингда йўқ ниҳоят,  
Биз маънавий қашшоқмиз фақат.

Илоҳ берган товшу, нигоҳинг  
Қайдан сездим уни мен гумроҳ.  
Бугун шўрлик бошим гуноҳли,  
Жим турмоғим ягона паноҳ.

Жонфизо рўй, кўй илмоқ сўзни,  
Завқланмоғим, бебурдлик заҳми.  
Колган озрок субутни, ўзни  
асрамоққа етади фаҳмим.

\* \* \*

Гўзаллигинг сингари  
ўткинчидир муҳаббат.  
Олиб қочма юзларинг,  
муҳаббатдан кутма баҳт.  
Дилимизда ёнган ишқ  
балки ёнмас бундан сўнг.  
Минг ичида икки ошиқ  
ишқигина келар ўнг.  
Улар тангри ёрлақаган  
ҳақиқий ишқ фунчаси.  
Нега менга зорланасан,  
ахир бизлар шунчаки...  
Олиб қочма юзингни,  
Бир кун ўтади бари.  
Ёшлиқ биздан ўзини  
Олиб кетган сингари.

## **ХАЁЛОТДАН ҲАЁТГА**

Шодман, дайди тасодифнинг  
милтираган түйғуларига  
умримнинг бўш танаффуси  
эрмак истаб йўғрилганида.

Ўзганимас мендаги у ва  
ўйларканман ундаги менни,  
кунт багишлар — бу даъво,  
ўйланишга ундаётгани.

Хунобликка кўниколмасдан,  
урғу бериб оддийликларга,  
сиз томонга чекинаяпман  
эй, жамийки дохилий нарса.

## МУНДАРИЖА

«Бу орзумас, соғиниш холос...» . . . . .	3
«Бир сония ичра түсатдан...» . . . . .	4
Юрак . . . . .	5
Гүллик гүллигича колди. . . . .	6
«Имконимдан улкан...» . . . . .	7
Пушаймон . . . . .	8
«Күнглимдаги гунох...» . . . . .	9
Сүнгги ўқинчлар . . . . .	10
«Хөвлиқма бу...» . . . . .	10
«Картайган онаси ва...» . . . . .	11
Бугун неки . . . . .	12
Куср хонандаси . . . . .	13
Рубой . . . . .	13
Юракка эътирозим . . . . .	14
Каҳвахонада . . . . .	15
«Жисмингдаги илохий...» . . . . .	16
«Шунчаки бир...» . . . . .	17
«Аёзли кун...» . . . . .	18
«Ишқ — истама, ўксинма, кўник...» . . . . .	19
«Сенга кўнглимни тикиб...» . . . . .	20
«Илхом ҳам илохий бир неъмат...» . . . . .	21
Софинч . . . . .	21
«Юлдузлар ёнганда мисоли гулхан...» . . . . .	22
«Вакт домида емирилиб...» . . . . .	23
Ҳадисдан . . . . .	23
Ривоятдан . . . . .	24
Айирнб кўйсалар . . . . .	24
Замон сенга бокмаса . . . . .	24
Шукурки. . . . .	25
Амир Темур исёни . . . . .	26
Ҳадисдан . . . . .	27
Орзу . . . . .	28
«Икки йўл айрилган...» . . . . .	29
«Иложсизман дея...» . . . . .	29
«Айбим кўп, азоби хоритар гоҳо...» . . . . .	30
«Димиқкан садолар сиртидаги чанг...» . . . . .	31
Ҳомилали аёл ҳакида ҳикоя . . . . .	32
Файзуллоҳ Ҳўжаев хотираси...» . . . . .	33

«Рұхим, не истайсан, нени тилайсан?» . . . . .	34
Зерикиш . . . . .	35
«Сен — қалбаки баҳт...» . . . . .	36
Үлім . . . . .	37
«Нега олдингизга келдім, билмасман...» . . . . .	38
«Үтиб бораётір умрим...» . . . . .	39
Умрим тугаётір уфқига ботиб...» . . . . .	39
«Сен құркүвчи тангри...» . . . . .	40
Ишонч . . . . .	40
«У пешинни Маккада ўқиб...» . . . . .	40
«Жойнамозга тиз чўкиб...» . . . . .	41
Тушкунлик . . . . .	42
«Ўқлар шамоли...» . . . . .	43
Кўлсиз аскарнинг кейинги хаётидан лавҳа . . . . .	44
Хиргойи . . . . .	46
Нажоткор . . . . .	47
Илинж хиссасига гина . . . . .	48
Икки юз . . . . .	48
«Жилмайғанинг нисбий иноят...» . . . . .	49
«Гўзаллигинг сингари...» . . . . .	50
Хаёлотдан ҳётга . . . . .	51

*Адабий-бадиий нашр*

МУҲАММАД ИСМОИЛ

ТАСАВВУР ЧИЗИҚЛАРИ

*Шеърлар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1998

Мухаррир З. Мирзоҳакимова  
Бадиий мухаррир Ф. Башарова  
Техник мухаррир Д. Габдрахманова  
Мусахих Ж. Тоирова

www.NATLIB.UZ

Теришга берилди: 23.06.98 й. Босишига рухсат этилди:  
24.08.98 й. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Антиква гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табори 2,94. Нашриёт-хисоб табори 1,68. Ада-  
ди 3000 дона. Буюртма № 2778. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

И 81

**Исмоил, Мухаммад.**

Тасаввур чизиклари: Шеърлар.— Т.: «Шарқ». 1998.— 56 б.

Инсон ўз тақдирини ўз кўли билан яратолмагани каби, истеъодинини хам кўл билан яратолмайди. Истеъодот туғма бўлади. Истеъодот туфайли калб ўзининг олий даражасига эришади. Қалб илми эса шоир камолотга етказиши лозим бўлган фан. Инсон кечинмаларининг янги сайёрасини кашф этган шоиргина ҳақиқий шоирдир.

Ушбу китобда Мухаммад Исмоил ўз истеъодининг «тасаввур чизиклари» орқали бизни ҳали ҳеч ким из ташламатан сайёрага таклиф килади, деган умиддамиз.